

Янги молиявий хизматлар синовдан ўтказилади



Мамлакатимизда жаҳон тажрибаси асосида молиявий хизматлар кўламини кенгайтириш учун янги тизим – “тартибга солиш қумдони” фаолиятининг йўлга қўйилиши кутилмоқда. Шу мақсадда “Марказий банк томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Марказий банкда бўлиб ўтган медиа-мулоқотда мазкур лойиҳада белгиланаётган янги ҳуқуқий режим – тартибга солиш қумдонининг моҳияти хусусида маълумот берилди. Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти директори Санжар Носировнинг қайд этишича, янги тизимнинг мазмуни молия бозоридаги рақобатни ошириш, янги молиявий хизматларни мижозлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий хизматлар турларини кенгайтириш, уларнинг оммабоплигини ҳамда мижозларнинг талабларига мувофиқлик ва уларнинг қониққанлик даражасини яхшилашга қаратилган. Тартибга солиш қумдони нисбатан янги тушунча бўлиб, у амалдаги қонунчилик доирасида янги, инновацион молиявий хизмат-

ларни таклиф этувчи тадбиркорлик тузилмаларига чекланган доирада экспериментлар ўтказиш имконини берадиган алоҳида ҳуқуқий режимни англатади. Синовдан ўтказишга рухсат этиладиган молиявий хизматлар, уларнинг миллий бозордаги янгилиги, мавжуд хизматларнинг нисбатан яхшиланганлиги, уларни кўрсатишга қонунчиликда чеклашлар мавжудлиги каби мезонларнинг бирига мос келиши керак. Молиявий хизматни синовдан ўтказиш вақтинчалик тартиб асосида амалга оширилади. Вақтинчалик тартибда бир қатор мезонлар белгиланган. Улардан бирига кўра, тартибга солиш қумдони муддати – 3 йилдан ошиши мумкин эмас. Синовдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботда тартибга солиш қумдони жорий этилишининг самарадорлиги ва натижадорлиги, шу жумладан, вақтинчалик тартибда белгиланган мақсадли индикаторларга эришилганлиги, синовдан ўтказиш давомида тартибга солиш қумдони иштирокчиси дуч келган муаммолар тавсифи, мижозлар томонидан янги молиявий хизматга бўлган талабнинг қай тарзда баҳолангани, мижозларнинг янги молиявий хизмат тақдим этилиши билан боғлиқ шикоятлари, синовдан ўтказиш давомида аниқланган таваккал-

чиликлар, синовдан ўтказилган молиявий хизматни кейинчалик кўрсатишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган қонунчилик нормалари рўйхати акс эттирилади.

Тартибга солиш қумдонининг шифофлиги ва оммавийлигини таъминлаш учун Тартибга солиш қумдонлари рўйхати Марказий банк веб-сайтида жойлаштирилади. Тартибга солиш қумдоннинг иш тартиби молиявий бозор иштирокчиларининг муайян гуруҳига эмас, балки, кенг жамоатчилик манфаатларига қаратилган мезонлар асосига қурилади. Пировардида, экспериментларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиб бориш ва назорат қилиш, олинган натижаларга қараб, молиявий хизматларни жорий этиш (татбиқ этмаслик) бўйича тегишли қарор қабул қилиш имконини беради. Яъни, синов муваффақиятли ўтганда, яъни, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка жиддий хавф туғдирувчи таваккалчиликлар мавжуд бўлмаганда, шунингдек, тартибга солиш қумдони иштирокчиси томонидан миқдор ва сифат кўрсаткичларига эришилганда Марказий банк ўзининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ёки синовдан ўтказилган молиявий хизматнинг чекловларсиз амал қилишини жорий этиш бўйича қонунчи-

лик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд молиявий хизматни жорий қилишга ҳалал берувчи ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлайди.

Марказий банк мутасаддисининг тушунтиришича, мисол учун ҳозирги кунда қайсидир хизмат бозорда йўқ, қумдон эса истеъмолчи учун хизматлар кўламини кенгайтириш ёки бор хизматни яхшилаб бериш учун платформа бўлиб хизмат қилади. Масалан, бизда ислом молиясига оид қонунчилик тўлиқ йўлга қўйилмаган. Анъанавий банклар мижозларга 100 сўм бериб, 120 сўм қайтариб бериш талабини қўйса, ислом молиясида бу шартлар истеъмолчининг эътиқодига тўғри келмаслиги мумкин. Бунда банк истеъмолчига керакли бирор товарни аввал ўзи сотиб олиб, кейин уни мижозга сотишига тўғри келади. Худди шундай савдо-сотиқни амалга оширишга нисбатан анъанавий банклар учун қонунчиликда тўсиқ мавжуд. Яъни, банк истеъмолчига товар олиб бера олмайди, лекин товар учун пул бериши мумкин. Бу эса янги хизмат турига эҳтиёж борлигини билдиради. Ишлаб чиқилган низом лойиҳасида шу каби янги хизмат турларини қумдон тизими асосида синовдан ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ойдин ЛАТИПОВА.

ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ
ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

2

ТАДБИРКОРЛАР
ФИКРЛАРИ ВА
МУАММОЛАРИ
ЭШИТИЛДИ

3

ПОДГОТОВКА
К БУДУЩЕМУ
УРОЖАЮ

7

РАСЧЕТЫ ЧЕРЕЗ
ЭЛЕКТРОННУЮ
СИСТЕМУ

8

Курс валют на
16.08.2022

USD	10937.14
EUR	11154.79
RUB	178.20
CNY	1615.51

Маълумки, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси томонидан йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилама объекларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ахборот киритиб берилмоқда.

республика бюджетидан ажратилиши белгиланган 3 трлн. сўм, маҳаллий бюджетдан 289,4 млрд. сўм, жами 3,29 трлн. сўм (73 фоиз) молиялаштирилган.

Дастурларга асосан ижтимоий соҳа объекларида қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган 546 та объектда 21 фоиз маблағ молиялаштирилиб, ўзлаштирилган маблағ ҳажми 19 фоизни ташкил этади. Шунингдек, электр таъминоти объекларида бугунги кунга қадар паст кучланишли 1032,1 км (режага нисбатан 36,9 фоиз) электр узатиш тармоқлари ва 395 та (36 фоиз) трансформатор пункт-

ган 1,4 трлн. сўм маблағнинг 289,4 млрд. сўми ёки 20 фоизи ўзлаштирилган, холос. Ўзлаштириш Сирдарё вилоятида 3 фоиз, Тошкент вилоятида 10, Андижон вилоятида 10, Тошкент шаҳрида 11, Самарқанд вилоятида 15, Жиззах вилоятида 18, Навоий вилоятида 18, Фарғона вилоятида 23, Сурхондарё вилоятида 23, Хоразм вилоятида 25, Наманган вилоятида 28, Қашқадарё вилоятида 29, Қорақалпоғистон Республикасида 29 ва Бухоро вилоятида 42 фоизни ташкил этади.

Дастур доирасида ҳудудларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича

кўрсаткич Самарқанд вилоятида 22 фоизни, Бухоро ва Навоий вилоятларида 30, Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳрида 32, Хоразм ва Тошкент вилоятларида 34, Сурхондарё вилоятида 37, Жиззах вилоятида 38, Сирдарё вилоятида 40, Қорақалпоғистон Республикасида 46 фоиздан иборат. Шунингдек, электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилишда қурилиш материалларининг етишмовчилиги ҳам режадаги ишларнинг кечикишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, йил якунига қадар 200 тн. очиқ сим, 3 165,5 км кабель маҳсулотлари ва 1030 дона трансформаторга эҳтиёж мавжуд бўлсада, уларнинг захирасини яратиш чоралари кўрилмаган.

Таъкидланишича, ўрганиш натижалари ҳар бир вилоятда муҳокама қилиниб, ҳокимлар ва дастурлар ижросига масъул бўлган идоралар раҳбарлари вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун уларга нисбатан жавобгарлик масаласига эътибор қаратилмоқда. Назорат тадбирларида дастурлар ижросига масъул бўлган 405 нафар мансабдор шахсни расман огоҳлантириш билан бирга, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 49 та тақдимнома киритилган, дастур ижроси бўйича масъулиятсизликка йўл қўйиб келган 179 нафар мансабдор шахсининг интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланган.

Тадбир давомида Қурилиш ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирликлари раҳбарларининг кун тартибдаги масала юзасидан ахборотлари эшитилди. Дастурлар доирасидаги вазифалар ижросига масъул идоралар томонидан вазиятни ўнглаш юзасидан аниқ ва қатъий чоралар кўрилмаётгани, маблағлар ўз вақтида молиялаштирилмагани, тендер (танлов) савдолари ўтказилмагани ҳамда банк маблағлари йўналтириладиган объекларнинг манзилли рўйхатлари белгиланган муддатда шакллантирилмагани танқид остига олинди. Шуларнинг барчаси инобатга олиниб ҳамда депутатлар томонидан кўтарилган долзарб саволлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилинди ва унда Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш топшириғи юклатилгани акс эттирилди.

Замира ТОЖИЕВА.

Дастурлар ижроси танқид қилинди



Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда айни шу борадаги навбатдаги ўрганишлар натижалари муҳокама қилинди.

Бош прокуратура томонидан тақдим этилган маълумотда келтирилишича, бугунга қадар махсус электрон дастурга жами 10 862 та объект жойлаштирилган. Электрон дастурга кўра, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш талаб этиладиган 6 992 та лойиҳанинг 6 990 таси ишлаб чиқилган, 6 852 таси экспертизадан ўтказилган, 6 268 тасининг тендер савдолари якунланган, 5 040 таси бўйича пудрат шартномалари тузилган. Дастур доирасида белгиланган қурилиш, ободонлаштириш ва бошқа ишлар учун жами 5,3 трлн. сўм, шундан республика бюджетидан 3 трлн. сўм, маҳаллий бюджетдан 1,4 трлн. сўм ва бошқа маблағлар ҳисобидан 0,9 трлн. сўм ажратилиши белгиланган. Ҳозирда дастур учун

лари янгиланиб, модернизация қилинган. Газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш бўйича 839 дона (84,1 фоиз) газ тақсимлаш пунктлари, 333,3 км (режага нисбатан 91,1 фоиз) газ тармоғи тафтишдаш ўтказилиб, аҳолига 3623 та (67,2 фоиз) газ баллонлари етказиб берилган. 573

км (38,0 фоиз) ички йўллар асфальтланиб, 1454 км (63,8 фоиз) шағал ва 220,8 км (27,4 фоиз) цемент-бетон ётқизилган. Сув таъминотини яхшилаш бўйича 1 251 км (режага нисбатан 32,4 фоиз) узунликдаги ичимлик суви тармоқлари янгидан тортилган ва 109 та (26,4 фоиз) сув иншооти янгидан ўрнатилган.

Шу билан бирга, жойларда дастурлар ижроси бўйича маблағларни талон-торож қилиш, қоқоқликлар ва ишларни сифатсиз бажариш ҳолатлари кузатилган. Жумладан, 52 та лойиҳа бўйича экспертиза хулосалари олинмаган (Тошкент шаҳрида 26, Қашқадарёда 23, Навоийда 2 ва Фарғонада 1 та), 584 та лойиҳа юзасидан тендер (танлов) савдолари якунланмаган. (Самарқандда 124, Жиззахда 91, Андижонда 80, Навоийда 72, Қорақалпоғистонда 68, Қашқадарёда 53, Тошкент шаҳрида 29, Тошкент вилоятида 23, Фарғона вилоятида 18, Сурхондарё вилоятида 15 ва Сирдарё вилоятида 10 та). Маҳаллий бюджетдан ажратилади-

белгиланган режанинг 32,4 фоизи бажарилган, бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 7 фоиз, Сурхондарё вилоятида 26 фоиз, Қорақалпоғистонда 27 фоиз, Сирдарё вилоятида 28 фоизда бўлиб турибди, Фарғона вилоятида эса ҳанузгача ушбу йўналишда амалий ишлар бошланмаган.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича 22 та ёки 19 фоиз автобекатлар қуриб битказилган, холос, Бухоро, Навоий ва Фарғона вилоятларида ушбу тадбирлар ижросига ҳалигача киришилмаган. Шу билан бирга, якка тартибдаги уй-жойлар ва кўп квартиралли уй-жойларни таъмирлаш бўйича Қашқадарё, Фарғона, Сирдарё вилоятларида бирор-бир иш амалга оширилмаган. Пиёдалар йўлакларни қуриш ва тунги кўча ёритиш тизимларни ўрнатиш каби ишлар ҳам Навоий, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Назорат тадбирлари давомида, жами 188 та объектда 654,0 млн. сўмлик сифатсиз қурилиш-таъмирлаш ишлари аниқланиб, ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан жойида бартараф этилиши таъминланган. Бундан ташқари, 51 та объектда 310,1 млн. сўмлик амалда бажарилмаган ишлар ҳисоботларга қўшиб ёзилганлиги ўз вақтида фош этилиб, талон-торожликнинг олди олинган.

Айрим соҳалардаги қоқоқликлар дастурлар ижроси ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ҳудудий ҳокимликлар томонидан етарли чоралар кўрилмаётганлиги натижасида дастурлар учун маҳаллий бюджетдан ажратилиши режалаштирилган 1 459 млрд. сўмнинг 568,4 млрд. сўми ёки 39 фоизи жамғармаларга йўналтирилган, холос. Бу

UZEX ҳафталик дайжести (8–14 август)

Ўтган ҳафта давомида, яъни, 8–14 август кунлари “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖнинг барча савдо платформаларида 2 416,1 млрд. сўмлик товарлар сотилган бўлиб, бу аввалги ҳафтага нисбатан 8,1 фоизга камдир. Бунда сотувларнинг 81,0 фоизи биржа савдолари, 18,5 фоизи электрон давлат харидлари, 0,2 фоизи кўргазма-ярмарка савдолари ва 0,3 фоизи авторакамларнинг онлайн-аукционига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 616,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Давлат харидлари тизимларида ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив буюртмачиларининг қарийб 73,5 млрд. сўмлик маблағлари тежалди. Ушбу давр мобайнида онлайн аукцион орқали 1 567 та авторакамлар сотилди, сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 6,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 13,5 фоизи биринчи тоифадаги авторакамларга, 14,3



фоизи иккинчи, 10,1 фоизи учинчи, 13,4 фоизи тўртинчи, 14,7 фоизи бешинчи ва 34,0 фоизи олтинчи тоифа авторакамларга тўғри келди.

Биржа савдолари

Кўриб чиқилаётган даврда очиқ биржа савдолари орқали жами 1 957,7 млрд. сўмлик товар ресурслари сотилди. Сотувчи корхоналар маҳсулотларни тасдиқланган

жадвалларга риоя қилган ҳолда биржа савдоларида қўйишди, шу жумладан:

Пахта ёғи

Ўтган ҳафтада биржа савдоларида 3 301,0 тонна пахта ёғи қўйилди, ундан 1560,0 тонна сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар кунга ўртача 51 харидор иштирок этди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 660,0 тоннани ташкил қилди. Барча навли пахта ёғининг кунлик ўртача нархлари маҳсулотнинг бир тоннаси учун 18 347,9 минг сўмдан 16 245,5 минг сўмгача, яъни, 11,4 фоизга пасайганини таъкидлаш лозим.

Ун

Ҳафта давомида ўтказилган савдо натижаларига кўра биржанинг ун бозори нарх бўйича пасайишни намоеён этди. Биржа

савдоларида 55 370,0 тонна ун қўйилди ва унинг 26 623,0 тоннаси, яъни, 48,1 фоиз қисми сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар кунга ўртача 1 836 харидор иштирок этди. 1-навли ун бўйича шакланган кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 888,4 минг сўмдан 4 819,0 минг сўмга пасайди. Уннинг ўртача кунлик сотув ҳажми 5 325,0 минг тоннани ташкил қилди. Ўтказилган биржа савдолари натижасида 1-навли ун бўйича шакланган ўртача ҳафталик нархи маҳсулотни бир тоннаси учун 4 790,5 минг сўмни ташкил этди.

Шрот

Ҳафта мобайнида биржа савдоларида 6 979,0 тонна шрот қўйилди ва унинг 4 704 тоннаси, яъни, 67,4 фоиз қисми сотилди. Ўтказилган савдоларда ҳар кунга ўртача 36 харидор иштирок этди. Ўртача кунлик сотув ҳажмлари 941,0 тоннани ташкил қилди. Шротнинг кунлик ўртача нархлар маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 657,4 минг сўмдан 3 991,9 минг сўмгача, яъни, 14,3 фоизга пасайди.

“ЎЗРТХБ” АЖ PR бўлими.

Тадбиркорлар фикрлари ва муаммолари эшитилди

Шу кунларда Президентимизнинг жорий йил август ойида тадбиркорлар билан ўтказилиши мўлжалланган навбатдаги очик мулоқотига пухта тайёргарлик кўриш доирасида бизнес вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

“Ўзчармсаноат” уюшмаси томонидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Бизнес омбудсман билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тадбирда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларида фаолият юритувчи ишбилармонлар иштирок этишди.

Дастлаб берилган маълумотга кўра, бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари қаторидан ўрин олган “Ўзчармсаноат” уюшмаси чармни қайта ишлаш, пойабзал, чарм-атторлик маҳсулотлари, фурнитура ва бутловчи буюмлар, пойабзал саноати учун кимёвий ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи 800 дан ортиқ корхонани бирлаштирган. Айниқса, чарм-пойабзал соҳасида фаолият юритувчи кластерлар ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини “хом ашёдан – тайер маҳсулотгача” бир мажмуада жамлаб, вақт ва маблағ сарфини тежасан ҳолда юқори сифатни таъминлаш учун хизмат қилмоқда. Ички тармоқ кооперацияси доирасида соҳа корхоналари учун табиий чарм, тагчарм, сунъий чарм, елим, ПВХ, фурнитура, полиуретандан тайёрланган таглик, ПВХдан тайёрланган таглик, ДОФ-пластификатор ва бошқа ёрдамчи товарлар, хом ашё ва материалларни ўзаро етказиб бериш йўлга қўйилган. Уюшма таркибидаги 164 та корхона маҳаллий-

лаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Импорт ўрнини босувчи сунъий чарм, пойабзал колодкаси, химикатлар ва тагчарм, желатин, полиуретан, елим, ДОФ-пластификатор, EVA хом ашёси кабиларнинг ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилган.

2021-2026 йилларда янги корхоналарни ташкил қилиш, мавжудларини модернизация ва реконструкциялаш бўйича 500 тага яқин инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган. Уюшма корхоналарга Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 5 фоизли ставкада янги замонавий ускуна ва технологиялар харид қилиш учун кредит маблағларини олишда амалий ёрдам кўрсатади. Ҳозир “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги чарм-пойабзал маҳсулотлари Россия, Португалия, Туркия, Хитой, БАА, АҚШ каби дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатига етказиб берилмоқда. Эътирофга молик жиҳати, соҳа корхоналарига бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилган.

Умуман, ушбу саноат йўналишида иштирокчи нафақат республикада, балки Марказий Осиёда “драйвер”лардан бири бўлиши вазифаси олдинга қўйилган. Кўрилатган чоралар натижасида жорий йилда 6,8 трлн. сўмлик ёки ўсиш даражаси ўтган йилдагига нисбатан 120 фоизлик ҳажмдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши мўлжалланган. Ташқи бозорларга кенг қўламли маҳсулотларни етказиб беришни таъминлаш мақсадида, тармоқ корхонала-

рининг халқаро ярмарка-кўргазмаларида иштироки таъминланмоқда. Чунончи, шу йил охиригача 500 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган. 120 та инвестиция лойиҳаси доирасида умумий қиймати 218 млн. долларлик сармоя ўзлаштирилиши, шундан 58 млн. долларлик қисмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши ҳамда 65 мингта янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Алоҳида эътироф этилганидек, Давлатимиз раҳбарининг яқинда бўлиб ўтиши кутилаётган тадбиркорлар билан очик мулоқотига муносиб тайёрланиш, ишбилармонларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш, соҳани янада ривожлантиришда самара бериши мумкин бўлган таклифларни умумлаштириш мақсадида “Ўзчармсаноат” уюшмасида мавжуд Call-марказ орқали ва бевосита усуллар ёрдамида мурожаатларни қабул қилиш ҳамда таҳлил этиш бўйича махсус штаб ўз фаолиятини изчил тарзда олиб бормоқда. Натижада ушбу штабга 1 000 га яқин мурожаат ва 40 га яқин таклиф тушган. Билдирилган муаммолар ўрганилиб, аксарияти қуйи бўғинларнинг ўзида, тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотлар билан изчил ҳамкорликда ҳал этилишига эътибор қаратилмоқда, таклиф-мулоҳазалар гуруҳлаштирилган ҳолда ишончли ахборот тўплами шакллантирилмақда.

Учрашув давомида соҳадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бир қанча ўзгаришларни топиши керак бўлган масалалар мавжудлиги ҳам таъкидланди. Кўпроқ са-

волар билан мурожаат қилинаётган йўналишлар сифатида биринчидан, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тегишли тижорат банклари томонидан кредитлаш талабларининг оғирлиги, кредит фойзалари юқорилиги ва кредитни қайтариш муддатларининг қисқалиги, иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда инфратузилма шароитларини яратиш, ер участкаларини аукционга тезкор равишда қўйиш ва тўлов миқдорлари юқорилиги ҳамда хусусийлаштириш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмагани, учинчидан, маҳсулотларни экспортга жўнатишда ҚҚСни қайтариш ва логистика билан боғлиқ ҳолатларга доир тизимли муаммолар келтириб ўтилди.

Тадбирда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Сирдарё, Наманган, Андижон, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналар раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазалари, муаммолари ҳамда таклифларини ўртага ташладилар. Бир қатор саволларга шу ернинг ўзида мутасадди вазирлик, идоралар, банк ва бошқа масъул ташкилотлар вакиллари томонидан жавоблар берилди. Мурожаатларнинг айримлари ҳал этилиши мумкинлиги билдирилди. Кўриб чиқилиши муайян муддат талаб этиладиган муаммолар чуқур таҳлил асосида ўрганиб чиқилиши учун қабул қилинди. Бир қатор таклиф-мулоҳазалар эса Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотидаги масалалар таркибига қўшилиши учун тегишли идораларга тақдим этиладиган бўлди.

Замира ТОЖИЕВА.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, Орол денгизининг суви қуриган тубида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, шу орқали ҳудудда мавжуд экологик вазиятларни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг ҳаётига салбий таъсирни янада юмшатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг бажарилиши бўйича 2018 йил куз, қиш ва 2019 йил баҳор мавсумларида 1125 минг гектар майдонда ер тайёрлаш ишлари олиб борилди. Денгизнинг суви қуриган тубида жами 461 минг гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шу жумладан, уруғдан 445,5 минг гектарда шундан самолёт ёрдамида 326,2 минг гектарда, техника ёрдамида 119,4 минг гектарда ҳамда 15,3 минг гектарда кўчатдан маданий ўрмонзорлар экилди.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун 1459 тонна саксовул, 73 тонна қорабарак, жами 1532 тонна чўл ўсимликларининг уруғи тайёрланди. Шу жумладан, Мўйноқ тумани аҳолиси томонидан 273 тонна уруғ қабул қилинди. Экиш ишларига 1400 нафар ишчи ҳамда 500 дона техника ва 2 дона (АН-2) самолёт қатнашди.

Бундан ташқари, 2019 йил куз, қиш ва 2020 йил баҳор мавсумида жами 706,4 минг гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шу жумладан, уруғдан 663,1 минг гектарда, шундан самолёт ёрдамида 496,9 минг, техника ёрдамида 166,2 минг гектарда ҳамда 3 минг гектарда чорва моллари учун яйловзор, кўчатдан 40,2 минг гектар майдонда маданий ўрмонзор бунёд этилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2796

Орол денгизининг суви қуриган туби “яшил пибос”га бурканади



тонна чўл ўсимликларининг уруғи терилди. Экиш ишларига 2500 нафар ишчи, 500 дона техника ва 4 дона самолёт қатнашди.

Ушбу хайрли ишлар 2020 йил куз, қиш ва 2021 йил баҳор мавсумида ҳам давом этди. Ушбу даврда жами 458,4 минг гектар ўрмонзорлар барпо этилди. Хусусан, уруғдан 340,8 минг гектар ва кўчатдан 12,6 минг гектар ҳамда кўхарувчанлиги паст бўлган ўрмонзорларни тўлдириш мақсадида қўшимча 104,9 минг гектар майдонда экиш ишлари амалга оширилди. 2021 йилда жами 1 511 тонна уруғлар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2022 – 2026 йилларда Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш ҳамда чўл ўсимликлари уруғларини тайёрлаш ҳажмлари тасдиқланди.

Қарор ижросини таъминлаш бўйича 2021 йил куз, қиш ва 2022 йил баҳор мавсумида Орол денгизининг суви қуриган ҳудудларида жами авиация ёрдамида 70 минг гектар майдонда, техника ёрдамида 25 минг гектар майдонда ва 5 минг гектар майдонда кўчатдан жами 100 минг гектар ўрмон барпо қилиш

белгиланган. Ҳақиқатда уруғдан 102,022 минг гектар, кўчатдан 5,047 минг гектар, жами 107,069 минг гектар майдонда экиш ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда жами 590,3 тонна уруғ, шу жумладан, 558,1 тонна саксовул, 20,7 тонна қандим, 11 тонна қорабарак чўл ўсимликлари уруғи тайёрланиб, экилди.

– Олимларнинг маълумотига кўра, қуриган денгиз ҳудудида барпо этилган 2 ёшли саксовулзор шамол тезлигини 20 фоизга, 5 ёшли саксовулзор 80 фоизга ва 7 ёшли саксовулзор 100 фоизгача йўқотиб, қум кўчишини тўхтатади, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ўрмон хўжалиги қўмитаси раиси ўринбосари Ернийз Акимниязов. – Бундан ташқари, дарахт ва бута тўрлари ҳавони тозалаш хусусиятига эга. Олимларнинг кузатувларига қараганда, 1 гектар майдондаги саксовулзор чанг ва тузларнинг ҳавога кўтарилишини кескин камайтиради, парчаланишини 35 фоизга пасайтириб, ҳавонинг нисбий намлигини 28 фоизгача оширади. Шунингдек, 1 гектар майдондаги 4 ёшли саксовул 1158 килограмм

карбонат ангидридиди ютиб, 835 килограмм кислород ажратади.

Мамакатимиз бўйича амалга оширилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида жами 14 миллион дона дарахт ва бута кўчатини экиш режаси белгилаб берилган. Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил куз мавсумида 5 миллион 250 минг дона манзарали, мевали дарахт, бута кўчати экилиши режалаштирилган бўлса, ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий тупроқ иқлим шароитига мос 6 миллион 512 минг туп кўчат экилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий дастури ижроси юзасидан жорий йил баҳор мавсумида 8 миллион 952 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчати экиш ишлари амалга оширилди. Шундан, бугунги кунга қадар шаҳар ва туманлар ҳудудларида жами 15 миллион 463,8 минг дона дарахт кўчати экилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш, Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи минтақасидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг зарраларининг салбий таъсирини камайтириш, ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларида “яшил қопламалар” барпо этиш ишларини изчиллик билан давом эттириш, глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини янада юмшатишга хизмат қилади.



Биржа

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори

иштирокчиларининг муҳим фактлари

- Банкротлик

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг 09.08.2022 йилдаги 4-2001-2101/1567-рақамли ҳал қилув қаро-рига асосан “1-Автокорхона” МЧЖ (СТИР 201513770) банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланди ва тугатиш бошқарувчи этиб 1-тоифали суд бошқарувчи Ходжаев Файзулло Камолович тайинланди.

Шу муносабат билан кредиторлар йиғилиши 2022 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Оқ Масжид кўчаси, 2-уйда жойлашган “1-Автокорхона” МЧЖ биносида бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Тугатиш бошқарувчининг ҳисоботи.
 2. Корхонани тугатиш даври календарь иш режасини тасдиқлаш.
 3. Корхонани тугатиш ишларида қилинадиган харажатлар миқдори (лойиҳаси)ни тасдиқлаш.
 4. Бошқа масалалар.
- Кредиторлар йиғилишида кўриб чиқиладиган материаллар билан танишиш ҳамда иштирокчиларни рўйхатта олиш 2022 йил 16 сентябрь куни соат 10.50 гача.
- Юқоридагиларни инobatта олиб, Сиздан кредиторлар йиғилишига ўз ишончли вакилингизни ишонч хатлари ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда кредиторлик қарзи тасдиқловчи барча ҳужжатлари (солиштирма далолат-нома, шартнома ва ҳисоб фактуралари билан бирга) билан келишлари шарт.
- Кредиторлар қарздорга бўлган талаблари эълон чиққан кундан бошлаб тугатиш бошқарувчига мурожаат қи-лишлари мумкин.
- Мурожаат учун манзили:** Бухоро шаҳри, Оқ Масжид кўчаси, 2-уй.
- Тугатиш бошқарувчи Ходжаев Файзулло Камолович тел.:** 90-514-00-01.

Сурхондарё вилояти Денов туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан, Шўрчи туманида-ги “**2530-сонли**” **давлaт унитар корхона**сига нисбатан соддалаштирилган, Шеробод туманлараро иқтисодий судининг ҳал қарорига асосан Шеробод туманидаги “Алпомиш-20” МЧЖга умумий тартибда банкротлик иши қўзғатилаган, тугатиш (суд) бошқарувчиси этиб А.У. Унгбоев тайинланди.

Ушбу қарздорларга нисбатан давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Кре-диторларнинг биринчи йиғилиши 2022 йил 10 сентябрь куни соат 10.00 да Термиз шаҳри, М.Қошқарий кўчаси, 36-а уйда бўлиб ўтади.

Қарздорларнинг мухри ва тамғаси собиқ раҳбари ҳамда таъсисчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддасига кўра 3 иш кунида тугатиш бошқарувчисига топширилиши шарт. Топширилмаган тақдирда йўқолган деб эътироф этилиб, шу кундан бекор қилинган деб ҳи-собланади. Йиғилишда қарздорликни тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан қатнашиш шарт.

Маълумот учун телефон: 99-677-11-76.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 27.04.2022 йилдаги 4-1001-2218/10993 ва 4-1001-2218/11312-рақамли ҳал қилув қарорларига асосан “Adventures are forever” МЧЖ ва “ID logistic network” МЧЖ банкрот деб топилиб, уларга нисбатан соддалаштирилган тартибда тугатишга доир иш юритиш очилган ва тугатиш бошқарувчи вазифасига Т.Д. Мамаюсупов тайинланган. Кредиторлар талабномалари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Мурожаатлар учун телефон: 33-916-04-57.

Акционерное общество Страховая компания “Imprex-insurance”

Баланс на 1 января 2022 года

Регистрационный номер: лицензия Агентства по развитию страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан СФ-00033 от 22 февраля 2022 года.

Юридический адрес: 100057, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Кичик халка автомобил йули, 38а.

(в тыс. сумов)

Наименование показателей	Актив на 01.01.2022 г.	Наименование показателей	Пассив на 01.01.2022 г.
Основные средства по остаточной сто-имости	872 074	Уставный капитал	25 000 000
Нематериальные активы по остаточной стоимости	-	Резервный капитал	-
Долгосрочные вложения	1 000 000	Добавленный капитал	-
Капитальные вложения	-	Нераспределенная прибыль	10 189
Долгосрочная дебиторская задолжен-ность	-	Целевые поступления	-
ТМЗ	107 888	Страховые резервы	3 296 797
Расходы будущих периодов	1 240 799	Доля перестраховщика в страховых резервах	- 263 228
Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет	-	Полученные авансы	22 991
Прочие дебиторы	2 321 871	Задолженность по платежам в бюд-жет	88 007
Денежные средства и их эквиваленты	10 963 739	Задолженность по оплате труда	16 008
Краткосрочные вложения	12 700 000	Прочие пассивы	1 035 607
Итого активов	29 206 371	Итого пассивов	29 206 371

Отчет о финансовых результатах за 2021 год

(в тыс. сумов)

Наименование	Прибыль	Убыток
Чистая выручка от оказания страховых услуг	1 906 324	-
Себестоимость оказанных страховых услуг	-	595 614
Валовая прибыль от оказания страховых услуг	1 310 710	-
Административные расходы	-	1 873 514
Прочие операционные расходы	-	87 902
Прочие доходы от основной деятельности	-	-
Доходы в виде дивидендов	-	-
Доходы в виде процентов	672 802	-
Доходы от валютных курсовых разниц	-	-
Расходы в виде процентов	-	-
Убытки от валютных курсовых разниц	-	-
Прочие расходы по финансовой деятельности	-	-
Прибыль до уплаты налога на прибыль	22 096	-
Налог на прибыль	-	11 907
Прочие налоги и другие обязательные платежи от прибыли	-	-
Чистая прибыль отчетного периода	10 189	-

Достоверность финансовой отчетности подтверждена заключением от 15.04.2022 года аудиторской органи-зацией ООО “AUDIT-KANON” (лицензия на осуществление аудиторской деятельности №00756 от 02.04.2019 года). Размещение информации по ссылке <http://imprex-insurance.uz/ru/pages/finansovyy-pokazatel-5>.

“Kogon Yog‘-ekstraksiya zavodi” АЖ

акциядорлари диққатига!

Хурматли акциядорлар, “Kogon Yog‘-ekstraksiya zavodi” АЖ акциядорларининг 2022 йил 30 июль кунига белгиланган навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кворум йўқлиги боис бўлиб ўтмагани сабабли кун тартибига ўзгартиришлар киритилмаган ҳолда 2022 йил 18 август куни соат 10.00 да, *(Бухоро вилояти, Когон шаҳри, А.Темур кўчаси, 5-а манзилида)* такроран чақирилади.

Умумий йиғилишда акциядорларни рўйхатта олиш 2022 йил 30 июлда ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2022 йил 18 август куни соат 9.00 да бошланиб соат 9.50 гача давом этади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Санoқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Бош директорининг 2021 йил бизнес-режасининг асосий кўрсаткичларини бажарилиши ва жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисobotини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юза-сидан ҳисobotини эшитиш.
5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2021 йил молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш ко-миссияси хулосасини эшитиш.
7. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ва корпоратив бошқарув Кодекс тавсияларига риоя қилиниши-нинг 2021 йил якунлари бўйича мустақил баҳоланиши натижалари юзасидан ҳисobotини эшитиш.
8. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисobotи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарари ҳисобла-ри бўйича ҳисobotини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш ва дивиденд тўлаш тартибини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи - Бош директори тўғрисида”ги, “Рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит кў-митаси тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши ҳузуридаги коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси тўғриси-да”ги, “Кузатув кенгаши ҳузуридаги стратегия ва инвестициялар кўмитаси тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши ҳузуридаги тайинловлар ва мукофотлаш кўмитаси тўғрисида”ги Низомларни янги тахрирда тасдиқлаш.
13. Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
15. Жамият тафтиш комиссиясини тугатиш.

Умумий йиғилишда акциядорлар паспортлари, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қо-нунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончномалари орқали қатнашишлари талаб этилади.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан тани-ишш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро вилояти, Когон шаҳри, А.Темур кўчаси, 5-а уй.

E-mail: kogonyog@mail.ru

Тел.: 65-522-24-03.

“Kogon yog‘-ekstraksiya zavodi” АЖ

Кузатув кенгаши.

Кредиторлар диққатига!

Наманган туманлараро иқтисодий судининг 05.08.2022 йилдаги 4-1601-2202/3765-рақамли ажримига асо-сан Наманган шаҳридаги (СТИР 307 496 304) “**Nilufar teks group**” **ишлаб чиқариш кооперативига** нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги 6, 7, 37, 41, 43, 46, 78, 79, 82, 83-моддаларига асосан кузатув жорий этилган ва 3-тоифали У.Аббасовни муваққат бошқарувчиси этиб тайинланган.

Қарздорга нисбатан барча давволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида муваққат бошқарувчи-си томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Муваққат бошқарувчи манзили: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 72-уй.

Тел.: 91-185-32-05.

“O‘zenergota‘minlash”

акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

“O‘zenergota‘minlash” акциядорлик жамияти 2022 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонасининг интернет тармоғи орқали онлайн режимда масофадан ту-риб ўтказишга ва овоз беришга мўлжалланган “eVOTE - Электрон овоз бериш” хизматидан фойдаланган ҳолда “O‘zenergota‘minlash” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказили-шини маълум қилади.

Акциядорларни *(уларнинг вакилларини)* рўйхатга олиш соат 10.00 дан – 11.00 гача “eVOTE - Электрон овоз бериш” сервис тизими орқали амалга оширилсин.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Санoқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
 3. “O‘zenergota‘minlash” акциядорлик жамиятини “Issiqlik elektr stansiyalariga” акциядорлик жамиятига қўшиб олиш йўли билан жамиятни қайта ташкил этиш.
 4. Қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаш.
 5. Топшириш далолатномасини тасдиқлаш.
 6. Акциядорларнинг талабномаси асосида акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олиш жараёнида “O‘zenergota‘minlash” акциядорлик жамиятининг 1 *(бир)* дона имтиёзли ва 1 *(бир)* дона оддий акцияларининг қийматини тасдиқлаш.
- Жамият акциядорларининг реестрларини шакллантириш саналари:
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг ре-естрини шакллантириш санаси –2022 йил 11 август;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси –2022 йил 30 август.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича ахбо-ротлар *(материаллар)* бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар, Ипакчилик кўчаси, 3-манзили бўйича мурожаат қилиниши мумкин.

Жамият акциядорларида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ жамият акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин.

Жамиятнинг оддий акцияларни сотиб олиш нархи 17 575 сўми, имтиёзли акцияларни сотиб олиш нархи 2 262,65 сўми ташкил этади.

Жамият акцияларини сотиб олиш нархи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қиламиз.

Телефон: 55-501-30-30.

Жамият электрон почта манзили: info@uzet.uz

Утерянный диплом В №278031, выданный в 2006 году Ташкентским государственным университетом на имя Ким Виктора Витальевича, **считать недействительным.**

